Туҳфа НАЗАРОВА

# ТАРБИЯВИЙ СОАТ

ИШДАН ҚАЙТИБ диванга чўзилганча янги газеталарни кўздан кечираётгандим, нариги хонадондан шовқин-сурон овози эшитилди.

Яна Ботиржон бир балони бошлаганга ўхшайди. Кеча онаси ҳам шикоят қилганди, яна мактабдан табуретка кўтариб келганмиш. Тарбиявий соат ўтказмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Газетани бир чеккага йиғиштириб, бақирдим:

— Ботиржон, ҳой Ботиржон, бу ёққа қара.

— Нима, дада?

— Қанақа бола бўлиб ўсаяпсан, ўзи, сенларни деб елиб-югуриб ишласак, едирсак, кийдирсак. Сен бўлса яна мактабдан нарса кўтариб келибсан. Неча марта айтиш керак сенга, уйга нарса кўтариб келма деб. Билмадим қаёқдан ўрганаяпсан?

— Ойим ўзлари сизни доим мақтайдилар-ку, кўчадан қуруқ келмайдилар, деб.

— А, шунақа дейдими? Сен ойингни гапини нотўғри тушунибсан, ўғлим. Эрталаб тош кўтараман-у, ойинг ўшани айтган.

Шу гапни айтдим-у, бироз енгил тортдим. Вақтни ўтказмай яна тарбияни давом эттирдим.

— Қани гапир, нега укангни хафа қилдинг?

— Мен эмас, ўзи айбдор, дада. Мен бекорга урганим йўқ. Наргиза опам фабрикаларидан олиб келган конфетларнинг ҳаммасини ўртоқларига тарқатибди. Бугунам нечтаси келди, яна Наргиза опанг шоколад олиб келдиларми деб...

— Тарқатибди?

— Ойим базаларидан олиб келган зўр-зўр ўйинчоқларини ҳам болаларга бериб юборибди.

— Ҳали шошмай турсин, ўзим гаплашиб қўяман.

Ўғлим яна ўпкаси тўлиб гапида давом этарди:

— Буям ҳали ҳаммаси эмас. Сиз кеча ишхонангиздан олиб келган аккумуляторингизни тошбақага алмаштирибди.

— Нима? Алмаштирибди!

Кўзим тинди, юрагимни чангаллаб креслога чўкдим.

Ёнимда турган ўғлимнинг овози узоқ-узоқдан элас-элас қулоғимга чалинди.

— Жамшид, кеча Нозима опам касалхоналаридан олиб келган дориларини олиб кел. Дадамларнинг юраклари ёмон бўлиб қолди.




# БАҲС

УЧАЛАМИЗ ДАВРАНИНГ охиридаги бурчакда ширингина гурунг қилиб ўтирувдик. Оғзига икки пиёла ароқ текканми-йўқми, Жума Бобоев тарелкадаги салатдан бир ялпоқ помидорни олиб оғзига сола туриб:

— Қаранг, шу нега қизил бўлади? —деди.

— Иштаҳанг тортса, қизилми-кўкми — индамай кавшайвер!

Помидорнинг нима учун қизил бўлишини барибир биров сўраб қолади, деб жавобини ўйлаб юргандай, Холбоев ҳам оғзини кафти билан артиб:

— Қуёшдан нур олади-да, — деди.

Иккаласи пишиллаб тортишиб туришса ҳеч гап йўқ эди. Саволга берилган жавобнинг бунчалик бемазалигини эшитиб чидаб туролмай мен ҳам;

— Редиска-чи? Редиска кунни кўрмаса ҳам қип-қизил-ку! — дедим. Лекин қойил қилган эканман. Иккаласи ҳам мум тишлаб қолди. Лаънати Бобоев ҳам мени бир танг қолдириш учун савол ўйлаб ўтирган экан, ярим пиёлани кекирдагига отиб олиб:

— Нега бўлмаса кунгабоқар қизармайди? — деб қолди.

Тортишувимиз сабзидан шолғомга, ундан ертутга, хуллас, қизариб пишадиган нарсаларга ўтиб кетаверди. Шивир-шивир билан бир соатлар тортишганимиздан кейин, Холбоев:

— Уруғи йўқ картошканинг ҳам қип-қизилини кўрганман! — деб бақириб, жанжални катта доирага чиқариб юборди.

Баҳсимизни тўрда ўтирган Эшмат Жўраевич сезмаган эканлар. Холбоев бақиргандан кейин пастга —биз томонга тикилиб:

— Хўш, нима гап?! — деганларидан кейин учаламиз қизариб-бўзариб ўрнимиздан турдик. Бирпас «Сен айт... Сен айт», деб тирсаклашиб қолувдик, Эшмат аканинг сабри чидамай:

— Нима гап?! Нима жанжал! —деганларидан кейин, Холбоев:

— Бу ёқ... Помидор нега қизил бўлади, деб сўровди... — деб ғавғони бошлаган Бобоевга имо қилди. У ҳам энди ҳақиқатни яшириб бўлмаслигини билиб, тутилиб-тутилиб бўлса-да:

— Мен... помидорнинг қизиллигини сўраб... — деди.

Ундан бошқа гап чиқмаслигини билиб, кейин вазиятни юмшатиш мақсадида масалани мен бошдан охир батафсил тушунтирганимдан кейин, Эшмат ака:

— Уларнинг уруғи қизил бўлади, — дедилар.

Ҳайратдан ҳаммамиз анграйишиб қолдик. Қаранг-а, Эшмат Жўраевичнинг ақлини...

Алимардон БЎРОНОВ

# СИЗ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?

Мана, гарчанд куз бўлмаса-да, «жўжани санайдиган пайт» келди. Энг сўнгги суратга жавоб тариқасида келган уч қопу етти тўрвадаги 1349 хатни сарҳисоб қилиш учун кооператив мардикор ёллашга тўғри келди. Қишдан омон чиққан ҳажвий-ҳайъатчиларимиз телпак ва шляпаларини, камина дўппини бир ёққа қўйиб, хатларни ғалвирдан ўтказдик. Вой-бўй, бу мухлисларнинг топқир ва ҳамфикрлигини: кўпчилик имзоларнинг тепасида бир хил жавобни кўрдик — **«Онла пудрати»** (29 мактуб), **«Сен етим эмассан!»** (41 мактуб), **«Товуқ кетди кинога...»** (70 мактуб), **«Ўнта бўлса ўрни бошқа...»** (33 мактуб) ва ҳоказо.



Бизга мақбул бўлган жавоблар:

**«Товуқшунослик институтига ўқишга бораман дейди-я, зумраша, шунча жўжа билан сенга тўрт-беш мингни қаердан топиб бераман. Ўқиб қабримга мармартош қўярмидинг, эҳ, жўжагинам, ҳозир ўқиганга нон йўқ, ўзингни кооперативга ур!»**

Клара МУХАНОВА (Беруний)

●

**«Алимент тўлашдан кўра ўзим боқаман»**

М. МАНСУРОВА (Янгиқўрғон)

●

**«Товуқнинг зўри — хўрознинг шўри»**

М. ҚАҲҲОРОВА (Кармана)

●

**Кооператив «энага»**

А. СОДИҚОВ (Қиргули)

●

**1. «Жўжани кузда санармиш... Ол-а! Хўжайинларнинг нафси шу бўлса, кузгача жўжа қоларканми!..»**

**2. Ҳаммаёқда «жўжаларни режалаштир, камайтир», деб ётишибди-ю, бизнинг макиён бўлса... Қу-қу-қу!**

Ғайбулла САЛОМОВ, (Тошкент)

●

**Энди буларни уйлантириш, уй-жой керак бўлади...**

Неъмат ЮСУПОВ (Хўжаобод)

●

**«Нима қилсам, «етим жўжалар интернати»га топшириб юборсамми?!.**

С. ҒУЛОМОВ (Шаҳрисабз)

●

**— Уф-ф! Жўжа боқиш ҳам кундан-кунга қийинлашиб бормоқда. Бир кило дон фалон пул...**

Содиқ ИНОЯТОВ (Нарпай)

●

**«Товуқнисонинг патларини бўягани Модалар салонига кетганига ҳам икки соат бўлди-я, уф-ф...»**

М. АЛИЕВ (Фарғона)

●

**ИЧУВЧИ ХЎРОЗ: — Анави қораси ҳам бизни жўжамикан? Ё, тавба...**

И. АСЛОНОВ (Қува)

●

**«Ферма гўзали — 89» конкурсида қатнашаман дейсанми?!.»**

М. ИСОҚОВА (Пахтаобод)

●

**«Кооператив-инкубатор»**

М. ОХУНОВ (Наманган)

●

**Отелло шубҳалар гирдобида — «Нега жўжаларимнинг ранги ҳар хил...»**

Бибирабо ДАВЛАТБОЕВА (Амударё)

●

**«Оналаринг кооперативга ишга ўтган, қўшни товуқхонадаги тухумларни босиб чиққунча, жим туринглар».**

Х. ТЕШАБОЕВА (Поп)

●

**Абадий «уй-жой проблемаси» олдида...**

Қ. АБДУҚАҲҲОРОВ (Ўратепа)

●

**ХЎРОЗ: — Дондан умид қилманглар, эгаларимиз онла пудратига ўтишибди.**

Б. ЭГАМОВ (Қизилтепа)

●

**Энди навбат ёшларга, меники «финиш»: ёғ — қозонга, пичоқ — қайроққа, олов — ўчоққа тушди...**

Яйра РАҲМОНОВА (Поп)

●

**Энди ҳар бирингга қирқтадан «келин» топиш керак...**

Ш. ҲАЙДАРОВ (Қува)

●

**Ёш товуққа уйланган «пенсионер» хўрознинг аҳволи.**

А. МАТҚУЛОВ (Ўш)

Ҳозир мухлислар йўталса ҳам, шеърий йўл билан йўталадиган бўлди. Бу камина — Шум болани жуда қувонтиради. Агар шеърий жавоб нишонга тегса-ку, дўппини осмонга отамиз (ҳозирги дўппилар ҳам юпқамикан, шамол бошқа ёққа олиб кетади). Мана, бизни икки-уч дўппига «туширган» айрим шеърий жавоблар:

**Лайлининг йўлига чиқсам,**
**жўжалар ғо-ғо қилур.**
**Хўрозлар уйда қолиб,**
**товуқлар савдо қилур.**

Барно ЭШЖОНОВА (Хева)

●

**Отаси айтар алла**
**Онаси қилар ялла.**

П. СОТИМОВ (Янгиқўрғон)

●

**Фермамизни оралаб,**
**Навбаҳор елдимикан?**
**Товуқлар камаймоқда —**
**Ревизор келдимикан?!**

Гулнора ҲОЖИЕВА (Навоий)

Марҳаматлик Гулзора Мамасолиева шоир Омон Матжоннинг шеъридан саккиз мисрани жўнатибди. Топибсиз, синглим:

**Макка, сули маржумакка,**
**Биздаям бор иштаҳа!**
**Ейишимиз чумчуқдагу**
**План — туяқушдақа!**
**Гоҳо «бевақт қичқирдинг» деб**
**Қиладилар дағдаға,**
**Жим турайми, шунча жўжа**
**Бўлаверса табака?!**

Азиз чойхонамиз мухлислари, қувончингизга ҳаммамиз шерикмиз. Мухлисларимиздан бири ўз хатида: «Агар жавобимни босиб чиқарсангиз, товуқлар устидан, босмасангиз — менинг устимдан кулиб қўя қолинглар!» — дебди.

Кулгига нима етсин! Бугун сизга янги суратни ҳавола қилар эканмиз, топқирликда омад тилаймиз. Ахир, бу топишмоқда кула оладиган одамларнинг ҳаммаси ютади...

ШУМГИНА БОЛА



А. КАРАВАЕВ фотоси






Рассом Н. БЕРДИЕВ




# ЎРМОН СУВЧИГА ТАСАЛЛИ

КИНОЯ

Ўрмон ака,
Нонни тўғранг йирикроқ,
Коса олинг пиёлага сиғмаса,
Саратоннинг оловимас, шоирлар —
Бошингизни бунча гаранг қилмаса.

Нима, биров очлигидан ўлдими?
Шукур, ана дастурхонда чою нон.
Гўшт емаса, бало урмас ҳеч кимни,
Ҳиндистонда гўшт емаскан бирор жон.

Эрта-индин боғлар болга тўлади,
Чой-нон ўрнин узуму нон эгаллар.
Пайғамбар ҳам «таомларнинг хушхўри
Умматимга нону узум» деганлар.

Таҳсин айтинг саховатли раисга,
Уч ойда бир кассир келса далага.
«Шишар» пулнинг ҳидин соғинган кисса,
Кам-кўп, деманг,
Берганига барака.

Болаларга чиқинг танга улашиб,
Кийим-боши тўзиган деб еманг ғам.
Каттасига тор келганин талашиб,
Кичиклари кияверар бу йил ҳам.

Сизга Қрим, Сочи, Ялта не ҳожат?
«Жаннатда йўқ далангизнинг ҳавоси».
Жигар оғриқ хуруж қилса, беш сўмлик
Нор дўхтурнинг уколидир давоси.

Зарари йўқ, камқон бўлса оналар,
Ширин чойни босиб-босиб ичиринг,
Зарари йўқ, нимжон ўсса болалар,
Кучга тўлар ҳар кун еса ширгурунж.

Отпускани шаҳар учун чиқарган,
Лойни тунда, тўйни қишда қиласиз.
Ёзувчилар ёзганини ўқиркан,
Ваҳимасин кўриб ҳайрон қоласиз.

«Заҳар сочар далага, — деб, — самолёт»,
«Дод-вой» солган шулар — «нозик ўпка»лар.
«Сенга нима?
Шаҳардасан... ҳидлаб ёт,
Хотинингнинг хушбўй сочин, биродар»...

«Болаларни чиқарманг, — деб — далага»,
Шу гапдонлар газет-журнал тўлғизар.
Боладан ҳам рўзғорга бир фойда-да,
Бола ризқин бермас-ку ёзувчилар.

Бошқа дарди йўқми қалам аҳлининг,
Ёзгани шу: «У ундоғу, бу бундоқ...»
Олинг, ўшал газетага нос ўранг,
Ёки ясанг офтобпана бир қалпоқ...

Ўрмон ака,
Нонни тўғранг йирикроқ,
Меҳнаткашнинг тўйгани — бой бўлгани.
Сиз ўзнимас,
Пахтани ўйланг кўпроқ,
Бир пулга ҳам арзимайди қолгани...

Самандар ВОҲИДОВ

Бухоро

Ҳамза ИМОНБЕРДИЕВ

# ОИЛАВИЙ АНСАМБЛЬ

—Таъсир қилар мусиқа
Бола тарбиясига,
Деб Рамизни ёздирдик
Қўшиқ студиясига.

Ўшандан Рамиз авжда,
Кучанар керагидан —
Гоҳ Дадахон, гоҳ Рустам,
Олар гоҳ Шералидан.

Энди ҳатто жўн гапни
Қўшиқ қилиб айтади.
«Домажор»дан бошлаб у
«Лямажор»дан қайтади.

Салом-аликдан қўшиб,
Тонгдан куйлайди жўшиб;
«Нанай-нанай, нанай-нум,
Ассалому-алайкум!»

«Вай-вай, вай-вай, аравай,
Сут тошяпти, қара, ҳай!»
Унгача ошиб кострюль
Сут қочар «тум-тарақай».

Йиғлаб қолса укамиз.
«Алласин» бошлар Рамиз.
«Соль, фа, ми, ре, ля,
до, си,
Ухлаб қол-чи, акоси».

«Икки» олган кун тамом
Бутун қишлоқ сезади.
«Битта ўзим биламан»,
Деб ҳаммани эзади.

Қўшиққа барча жонвор
Чиқиб қолди талабгор.
«Хиргойи»сиз ўт солсак,
Сузар бўлди сур қўчқор.

Бирин-кетин ҳовлида
Бошланди жумбоқ-чигил—
Қўшиқ айтиб соғмаса,
Сут бермай қўйди сигир.

Ҳатто Бароқ «санъаткор»
Хуррак отар оҳангдор.
Тузилди денг, хулласи,
Уйда хор капелласи.

Энди бутун оила
«Симинор»дан қайтяпмиз.
Ҳар бир гапни баралла
«Қўшиқ қилиб айтяпмиз.

Шундай гаплар, фа, до,
си,
Ёмонмас-а, «акоси».




# ОМУХТА ТИЛ

ИЛМИЙ ҲАНГОМА

**Кўпинча гурунгларда, суҳбатларда тўпланишиб қолинганда, тил муаммолари — қайси тилда русча сўзларни кўп қўллаш, тил поклиги хусусида кулгили ва истеҳзоли тортишувлар бўлиб қолади.**

**Ўзбеклар бизнинг тилимизда ажнабий ва рус сўзлари кам, биз бундай сўзларни кам қўллаймиз, татар ва қозоқларда бундай сўзлар тўлиб ётади, деб кўкрак кериша, қозоқлар олдин ўзингга боқ, сўнг ноғора қоқ ва татарлар эса «спорит итарга кирак тугул», дейишиб тинчланадилар.**

**Ўйлаб қарасангиз, миллатлараро муносабатлар масаласини муҳокама қилиш давлат аҳамиятига молик бўлиб турган шу кунги долзарб паллада, ҳар бир тилнинг бойиш йўллари, тилнинг софлиги ва поклиги учун кураш ҳам ўрганишга муҳтож муаммодир.**

**Тил софлиги ва унинг поклиги учун кураш, ўша тил эгаси учун ватанпарварлик, ўз халқини, миллатини ҳурмат қилиш ҳам, деб тушунилади. Аксинча, билиб-билмай ўз тили луғатига ўзга тиллардан сўз ва терминларни «бўйнидан» боғлаб олиб киравериш калтабинлик ҳамдир. Шу маънода, тил софлиги ва поклиги, уни бойитиш учун курашувчи биринчи ғамхўр — тилшунослар бўлмоғи даркор.**

**Ўзбек тилшуноси Равшанхўжа Расулов тилшуносликни бойитиш, уни ривожлантириш мақсадида ўзига хос янгилик яратди — анча актуал мавзуда китоб чиқарди. Китобдаги тилга оид талқинларни Насриддин афанди билан муаллиф тилидан Ҳотамтой «савол-жавоб» негизида изоҳлашади.**




**Насриддин:** Ўзбек тилшунослигида ечимини кутаётган жуда кўп муаммолар бор. Шулардан бири — «Ҳолат феъллари» мавзусидир.

Сиз яратган китобда ушбу феълнинг характерини очиб бериш учун бир қучоқ сўздан иборат гулдаста тузибсиз — «Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари» (1989) деб номлабсиз. Бу нима деганингиз?

Қани айтингчи, **«облигатор валентлик»** тушунчаси нимаси?

**Ҳотамтой:** Билмасангиз, билиб олинг. Ўзбек тили луғатини бойитиш ўздан ўзи бўладиган оддий иш эмас. Уни турли сўз ва терминлар — тушунчалар билан тўлдириб бориш, уларга янги-янги маъно нозикликларини бериш биз тилшуносларни ҳам бурчимиз.

Шу маънода, китобнинг сарлавҳасидаги икки бегона сўз ўринли қўлланилган. Чунончи, лотин тилидаги «шартнома», «қимматбаҳо қоғозларнинг бир тури» маъносидаги «облигатор» сўзи теварагидаги унга эгалик қилишни ифодаловчи «облигатор»ни ҳамда кимё фанига тегишли бўлган «бир кимёвий элемент атомнинг бошқа элемент атоми билан бирикиши ёки алмашиниши»ни билдирувчи «валентлик» сўзини ўзбек тили ҳолат феълларидаги бирикиш, мослашиши ва алмашиш тушунчаларига қиёслаб олинган. Гапнинг қисқаси, «облигатор валентлик» тушунчасининг ўзбек тилидаги эшини топа олмагач, шуни ишлатишга мажбур бўлдим.

**Насриддин:** Ушбу сўзлар берадиган маъно, тушунчани ўзбекчада қўлланилаётган бошқа сўзлар зиммасига юкланса, биринчидан, ўша сўзнинг маъно бериши ички имкониятлар ҳисобига кенгаяди, ўз сўзларнинг қадрияти ошади, тил софлиги таъминланади. Бунга сиз қандай қарайсиз?

**Ҳотамтой:** Очиғини айтсам, бу иш қўлимдан келмади.

**Насриддин:** Аслида тилшунослар ўз тилига беписандаликка қарши ўт очувчи, сўз ва қўшимчаларни ўз тартиби билан тера олувчи зўр услубшунослар бўлиши керак. Улар бошқа тиллардан сўз ва терминларни ўз тилига мажбуран олиб кирувчи қўрс кишилар бўлиши керак эмас. Шундай бўлгач, сиз тилшунос бўла туриб, не сабабдан ўз китобингизга оддий бир гап таркибига ҳам кўплаб чет сўзларни олиб кирдингиз?

Қаранг, 16 та сўздан ташкил топган бир гап таркибида (7-бет) тенг ярми —8 таси бошқа тиллардан олинган. Бошқача қилиб айтганда, 141 саҳифадан иборат китобингизда қўлланган сўз ва терминларнинг 30 фойизини русча ва ажнабий сўзлар ташкил этган. Бу ўзбек тилини бойитишми ёки ўқувчини чигаллик ботқоғига туртиб юборишми?

Мана бу ғаройиб «илм»ни қандай изоҳлаш мумкин: **«Локалис актанти**нинг ҳолат феъллари маъносида **реаллашиши агенс актантидан** бошқа тилдаги **семантик актантларга** нисбатан **активроқдир»** (30-бет); **«Интеграл ва дифференциал семалар семеманинг конкретлаштирувчи структур-семантик компонентлари** сифатида **архисема** билан **диалектик** бирликни ташкил қилади» (22-бет); **«Персонификация** натижасида юзага келган жонли ифодаси ижобий **оттенкага** ҳам эга бўлади. Бундай **коннотатив** маъно **агенсни** англатувчи сўздаги асосий маъно билан бирлашиб, **экспрессивликни, эмоционалликни** ҳосил қилади» (60-бет) каби жумлалар билан ўзбек тили луғатини бойитмоқчимисиз ёки илмий тил устидан кулмоқчимисиз?

**Ҳотамтой:** Бу гапингиз нотўғри. Гаплар таркибида ажнабий сўзлар ҳеч ҳам кўп эмас. Ахир, ўз тилингизда ўша тушунчани берадиган сўз ёки бирикма бўлмаса-чи?




**Насриддин:** Гапим туҳмат бўлса, дўппини ёнингизга қўйиб, яхшилаб эшитинг: китобдаги гаплар таркибига ўтмасданоқ, оддий сарлавҳалар алфозинигина кўздан кечира қолайлик:

1. **Ҳолат феълларининг агенс валентлиги** (31-бет).
2. **Агенс валентлиги реализаторининг эга функциясида келиши** (35-бет).
3. **Агенс валентлиги реализаторининг** эга х кесим **моделидан** бошқа **конструкцияларда** келиши (71-бет).
4. Ҳолат феълларининг **локалис валентлиги** (86-бет).
5. Ҳолат феълларининг **объект валентлиги** (96-бет).

**Ҳотамтой:** Бу сўзлар ўзбек тилига мажбуран олиб кирилмаган. Ижтимоий заруратдан — улар маъноларини берадиган синонимик қаторлар йўқлигидан мажбуран қўллаганман.

**Насриддин:** Боракалло-о! Дўстим, қайта қуриш халқ хўжалигининг барча соҳаларида жадал суръатлар билан кетаётган шу долзарб паллада ўзбек тилшунослигида ҳам маълум ўзгаришлар бўляпти. Мактаб ўқувчилари учун олдинлари яратилган она тили дарслик ва қўлланмалари ҳозирги пайтда талабга жавоб бера олмай қолди. Демак, бу соҳада янги типдаги дарслик ва қўлланмалар яратилиши табиий. Шундай бўлгач, кунлар келиб сизнинг яратган ушбу тадқиқотингиздаги **олақуроқ** гаплар ва фикрлар ана шундай дарсликларга кириб қолса, ўқувчиларни гаранг қилмасмикан, деб қўрқаман.

Ахир, ўйлаб кўринг. Китобингизнинг 7-саҳифасидаги **«Сўзга субстанциал ёндашув лексикологик-семасиологик, морфологик ва синтактик яруслар** текширувчи натижаларини умумлаштиради, айни **ярусларни (қаватларни,** демоқчи — Ҳ. У.) диалектик биргаликда олади», деган гап таркибидаги «меҳмон» сўзлар қандай маъно англатишини ўқувчига ўзингизгина тушунтириб беришингиз керакми?

Асло! Ўқувчининг ўзи тушуниб етадиган гаплар, фикрлар керак.

**Ҳотамтой:** Тўғри гапларингиз учун ташаккур. Ахир, янги тузиладиган ҳар бир дарслик, тадқиқот ўз мақсадига кўра математик машқлар характерида бўлса яхши. Чунки, у ўқувчини ўйлашга мажбур қилиши керак. Ахир, ушбу тадқиқот руҳида она тили қонуниятларини математик фикрлашга яқинлаштириш ҳам ётади.

**Насриддин:** Ундай бўлса, сизга икки оғиз кинояли гап қотмоқчиман:

Гапнинг қисқаси, гаплар ва тушунчалар қанчалик тушунарсиз, мавҳум ва мураккаб бўлса, автор учун шунчалик «фойда» келтирса керак, деб ўйлайман. Чунки бу гапларни ҳамма ҳам ушлаб ололмайди-да! Ҳа, бундай омухта гаплар тизмасидан вужудга келган мазкур тадқиқотнинг ўзбек тили луғатини олақуроқ сўз ва терминлар билан «бойитишда» аҳамияти катта.

Яна невлай?..

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
филология фанлари кандидати, доцент

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.
Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; секретариат — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; сатира ва юмор — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар авторларига қайтарилмайди. Ҳикоялар уч интервалда 14 бет, очерк ва мақолалар 12 бетдан ошмаслиги керак.

Р. 05706. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Б. — 3127. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 11 12